

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Доно Зияева XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
3.Муродилла Ҳайдаров ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
4.Гулнора Гулямова XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
5.Арслон Нафасов ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
6.Ойбек Остонов ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
7.Умиджон Усаров XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
8.Зиёдулла Холбоев ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
9.Davlatbek Qudratov ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ ASRAВ-AVAYLASH YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNІ.....	83
10.Гўзал Раззоқова ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
11.Дилшода Рўзиева ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
12.Сафарали Қўшоқов ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Арслон Нафасов,
Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат
педагогика институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Arslon Nafasov, LEGAL AND SPIRITUAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 36-43

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон мустақиллиги йилларида туризм соҳасининг бошқа турлари қатори, зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий асослари ёритилган. Унда соҳани янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар баён қилинган.

Калит сўзлар: туризм, зиёрат туризми, моддий ва маънавий маданият, диний-маърифий соҳа, зиёратгоҳ, сайёҳлар, номоддий маданий мерос объектлари, объект, муҳофаза, аждодлар, қадрият.

Арслон Нафасов,
Ташкентская область, учитель
Чирчикского государственного
педагогического института.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ И ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещены организационно-правовые и духовные основы развития паломнического туризма наряду с другими видами туризма в годы независимости Узбекистана. В ней изложены меры, реализуемые в сфере дальнейшего развития.

Ключевые слова: туризм, паломнический туризм, материальная и духовная культура, религиозно - просветительская сфера, святыня, объекты нематериального культурного наследия, объект, защита, предки, ценности.

Arslon Nafasov,
Tashkent region, teacher
of Chirchik state pedagogical institute

LEGAL AND SPIRITUAL FOUNDATIONS OF THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article highlights the organizational, legal and spiritual foundations of the development of pilgrimage tourism along with other types of tourism in the years of independence of Uzbekistan. It outlines the measures implemented in the sphere of further development.

Index Terms: tourism, pilgrimage tourism, material and spiritual culture, religious and educational sphere, shrine, intangible cultural heritage, object, protection, ancestry, values.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда дунёда зиёрат туризми ҳам энг сердаромад соҳалардан бирига айланмоқда ва бу соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳам тарихий-маданий объектлар, муқаддас қадамжолардан фойдаланган ҳолда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги [1], 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофазақилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги [2] фармойиши муҳим рол ўйнади. Мақолада кўтарилган масалаларнинг долзарблиги яна шу билан белгиланадики, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган зиёрат туризмни ривжланишида тарихий ёдгорликларнинг аҳамиятини аниқлаб олишга хизмат қиладиган илмий-назарий фикр-мулоҳазалар, бу борадаги унинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, холис баҳолаш ҳамда улардан яқин ва узоқ истиқболимиз учун амалий хулосалар чиқаришнинг зарурати билан ҳам белгиланади. Аммо, бугунги кунга келиб ушбу соҳани ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу биринчидан, ички зиёрат туризмнинг ривожига тўртки берса, иккинчидан халқаро туризм оқимини мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилишида катта аҳамият касб этади. Шунингдек, зиёрат туризмнинг баркамол авлод маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсирини тадқиқ этишдаги муаммолар кўламини аниқлаш муҳим. Бу эса ушбу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини таъминлайдиган конкрет амалий тақлиф-тавсияларни ишлаб чиқиш ҳаётий-амалий

аҳамиятга эга эканини англатади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихийлик-мантиқийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш ҳамда холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда сўнги йилларда зиёрат туризми соҳасида олиб борилаётган улкан ишлар ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий асослари илмий асосда очиб берилган. Ўзбек халқининг аجدодларидан авлодларига қолдирган мероси шунчалик кўпки, уни бирор бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини, айниқса бугунги кунда иқтисодий тараққиётини асосларини белгилаб бераётган туризм соҳасини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда зиёрат туризмининг ривожланишида тарихий ёдгорликларнинг аҳамиятини очиб бериш билан бирга унинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий асосларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Узоқ тарих қаъридан бизгача етиб келган бу бебаҳо ёдгорликлар ўзбекларнинг, биринчидан, салоҳиятли халқ, миллат сифатида тарихий макон ва замондан абадий жой олганлигидан дарак берса, иккинчидан, озод ва обод яшаши, мустақил ва эркин равнақ топиши учун ички бир руҳий-маънавий қувват берувчи куч бўлиши билан бирга ҳозирги замонавий дунёда иқтисодий ривожланиш омили бўлиб ҳам хизмат қилади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш ва шу асосда зиёрат туризмининг шакллантиришда унинг ташкилий-ҳуқуқий ва маънавий асосларини яратиш, ўрганиш борасида олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Зиёрат туризми тарихи, бугунги кундаги аҳамиятини ўрганиш юзасидан юртимизда ва хорижда илмий статистик тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, К.Калонов, А.Сагдуллаев, Б.Эралиев, И.Остонақулов, Н.Абдулахатовларнинг тадқиқот ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Миллий ғурур ва тарихий ёдгорликларнинг сиёсий ва маънавий-маърифий ҳамда иқтисодий омиллар билан боғлиқ жиҳатлари Б.Б.Аминов, М.А.Мирзаев, К.П.Худайберганов, У.Н.Мансуров, М.Х. Эсанов, М.Р.Мадаминов, Б.Ж.Эшов А.Ж.Яхшиев каби тарихчи олимларимиз томонидан ҳам ёритиб ўтилган. Зиёрат туризми мавзуси ҳамиша тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Шу боисдан ҳам тарихий хотирани тиклаш жараёнининг, хусусан олис ва яқин аجدодлар қолдирган тарихий мерос-ёдгорликларнинг зиёрат туризмининг шакллантиришдаги ўрнини ўрганиш бугунги кундаги муҳим илмий масалалардан бири бўлиб турибди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, зиёрат туризмнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштириш ва уларни амалда қўллаш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида" ги қарори [3] ва фармойиши [4] ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ички туризмни жадал ривожлантиришни

таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий асосини ташкил қилди [5]. Бу эса ўз навбатида зиёрат туризмни ривожда муҳим қадам бўлди десак, муболаға қилмаган бўламиз.

3. Тадқиқот натижалари:

Зиёрат туризми ривожланиши учун ўша давлатда албатта диний-маърифий соҳалар ҳам ривожланмоғи лозим. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ҳозирда фондга "Рауме", "Сlick" ва "М-банк" электрон тўлов тизимлари орқали маблағларни жалб этишга мўлжалланган хизматлар ишга туширилди. Берилган кўрсатмаларга асосида Тошкент шаҳридаги 12 та йирик масжид ва "Зангиота" зиёратгоҳи ҳудудига "Капиталбанк", "Ипотекабанк" ва "Ипак йўли банк"ларининг инфокиосклари ўрнатилди. "Вақф" хайрия жамоат фонди низомидан келиб чиқиб, жамғармага тушган маблағларни мақсадли сарфлаш бўйича асосий сарф-харажат йўналишлари ишлаб чиқилди [6]. Агар рақамларга мурожаат қилинса, 2013 йилгача бўлган маълумотларга кўра, Республикамиз ҳудудидаги жами 3000 дан ортиқ маданий мерос объектлари, тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, археологик манзилгоҳлар, монументал ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган [7] бўлса, 2018 йилгача бўлган даврда улар 7 минг 300 дан ортиқни ташкил этган [8].

Инсон борки ўзини доимо руҳан ва маънан поклашга интилади, зиёрат қилишни истайди. Шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам зиёратгоҳлар ҳамда тарихий ёдгорликларга бой мамлакат бўлиб, биз ушбу имкониятлардан янада самарали фойдаланмоғимиз лозим. Бу жамиятда одамларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзини юкасалтириб, давлатнинг моддий юксалишида муҳим рол ўйнайди. Умуман, зиёратгоҳлар ўз аҳамияти ва нуфузига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) Халқаро аҳамиятдаги зиёратгоҳлар; 2) Республика аҳамиятидаги зиёратгоҳлар; 3) Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган зиёратгоҳлардир.

Республикамиз мустақилликка эришгач, тарихий ёдгорлик ва маданий меросларга эътибор кучайганлиги, уларни тиклаш, таъмирлаш ишлари жадал равишда амалга оширилмоқда. Қадимий шарқнинг маданий марказлари жойлашган Хива, Самарқанд, Бухоро - Марказий Осиёнинг энг йирик сиёсий, иқтисодий, марказларидан ҳисобланган. Бу шаҳарларда барпо этилган ёдгорликлар маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг ўзига хос талабларига, табиий - иқлим шароитининг хусусиятларига, тарихий давр ижтимоий - иқтисодий талабларга мувофиқ вужудга келган маълум қонун қоидалар асосида шаклланган. Тарихий ёдгорликлар миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилишда ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни таъминлашда, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳудудида жуда кўплаб осори атиқалар, обидалар кўплаб асрлар юзини кўрган. Аждодларимиз барпо этган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон каби кўхна шаҳарлар бугунги кунда жаҳон халқлари зиёратгоҳига айланди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келиб зиёрат қилганлар ажойиб тарихий, миллий меъморчилик мажмуалари ва обидаларини кўриб, уларда мужассамлашган халқ усталарининг истеъдоди ва юксак бадиий маҳоратига қойил қолиб, уларга таҳсинлар ўқимоқдалар. Бизгача етиб келган

кўпчилик меъморий обидалар меъмор, кошинкор уста, наққош, ҳаттотлар меҳнати билан гўзал ва улуғворлик кашф этган. Шаҳрисабздаги Оқсарой ўзининг гўзаллиги, улуғворлиги билан ҳалигача чет эллик сайёҳларни жалб этиб келмоқда. Шарқ меъморчилигидаги улуғвор миноралар қаторида Самарқанддаги Регистон ансамблининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Агар ўтмишга назар ташласак, азалдан халқимиз зиёратгоҳларни қадрлаган, уларга ҳурмат бажо келтирган. Ҳатто ўз даврида буюк ҳукмдорлар ҳам бундай муқаддас жойларни тавоф айлаб, уларни асраб-авайлаган. Биргина Амир Темур давлат бошқарувида ислом дини ва шариат арконларини қаттиқ тутиб унга амал қилган. Мамлакат ҳудудидаги кўплаб азиз авлиёларни қабрларини обод қилиб уларни зиёратгоҳларга айлантирганлигини биз тарихий манбаларда учратамиз. Жумладан, ўзининг ўғитларида "Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар" [9], деб фармон чиқарганлиги келтирилган. Амир Темур азиз-авлиёлар, шайхлар ва суфийларга чексиз меҳр-саховат кўрсатиб, улар учун мақбаралар, масжиди жомелар, дарвешлар макон топган хонақолар қурилишида бош-қош бўлган. Соҳибқироннинг бу соҳадаги фаолияти Тошкентда ҳам ўчмас из қолдирган. Бу ерда Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний номи билан боғлиқ муқаддас жой юзага келган. Авлиё мазори устига қурилган чоғроқ чортоқ ўрнига Амир Темурнинг фармойиши билан XIV аср охирида мақбара қурилган. Тошкент яқинида Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридларидан бири, Зангиота деб ном олган Ойхўжа ибн Тошхўжа ва Анбар Бибининг мақбараларини ўз ичига олган мақбаралар мажмуи Амир Темур ҳомийлигида қурилган. Самарқанд тахтига Амир Темур ўтиргач Шоҳизинда ансамблининг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар руй берди. Амир Темур бу ердаги кўпгина, харобага айланган иншоотларнинг ўрнига янгисини қурди, кўпларини қайта таъмирлади, Қусам ибн Аббос қабри устига ҳашаматли қабртош ўрнаттирди. Шунингдек, соҳибқироннинг буйруғи билан бу ерда янги масжид ҳам барпо қилинди. Бундан ташқари Соҳибқирон Амир Темур қайси юртга борса ўша элнинг билимли, олим кишиларини эъзозлаган ва ҳурматларини жойига қўйган ва ўша жойдаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилган. Зиёрат қилиш одати Соҳибқироннинг эзгу гоёсига айланганлигини қуйидаги ҳикоятда ҳам кўришимиз мумкин. "Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эрдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоф этмоқни одат билишди" [10], дейилади.

Зиёратгоҳлар аслида инсонлар энг кўп тўпланадиган, маънавий покланадиган, гавжум жойлардан ҳисобланиб, мамлакатимизда юзлаб бундай катта кичик масаканлар мавжуд. Жумладан, Имом Бухорий, Шоҳи Зинда, Амир Темур, Ҳазрати Имом, Занги Ота, Каффол Шоший, Баҳовиддин Нақшбанд, Абдухолиқ Фиждувоний, Паҳлавон Маҳмуд, Юсуф Ҳамадоний, Султон Увайс ва Шайх Мухтор Валий зиёратгоҳларига кунига минглаб ватандошларимиз ва хорижлик сайёҳлар ҳамда меҳмонлар ташриф буюрадилар.

Зиёрат туризми мамлакат газнасига валюта тушумларини кўпайтиришнинг муҳим манбаи бўлиши билан бирга, юзлаб иш ўринлари очиш имконини ҳам яратади. Зиёрат туризми юксалиши натижасида эса ўша ҳудудларда янги ижтимоий-иқтисодий инфраструктуралар шаклланади, сервис хизмати яхшиланади, шаҳар ва қишлоқлар янада кўркамлашиб, одамларнинг маънавий дунёси ҳам юксалади.

Давлатимизда диний маданиятга оид қадриятлар, номоддий маданий мерос объектлари, қўлёмалар, ёдгорликлар, шунингдек археологик топилмаларнинг аксарияти музейларда муҳофаза қилинади. Ўзбекистоннинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги" Қонунига кўра номоддий маданий мерос объектлари тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлардир. Жумладан, Ўзбекистонда VII асрга тааллуқли Куръоннинг куфий ёзувидаги кўҳна нусхаси мавжуд бўлиб, бу қўлёмма Усмон мусҳафи номи билан ислом оламида маълум ва машҳурдир. Ҳозирги кунда Шарқ қўлёммалари Маркази жаҳондаги энг бой қўлёммалар сақланувчи марказлардан бири сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги қўлёммалар, литографиялар ва ноёб китоблар сақланувчи кутубхона динларни қиёсий ўрганиш, дин социологияси, дин психологияси, феноменология, антропология ва дин фалсафаси бўйича бой манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Диний қадриятларни асраб авайлаш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш айниқса ёшлар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Кишиларнинг ахлоқий маданиятини юксак савияда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиш этикети яъни одоб-ахлоқмеъёрлари бўлиб хизмат қилган. Бинобарин, "оч қолсанг бозорга, тўқ бўлсанг мозорга бор", деган ижодкор халқнинг қадимги мақолида кишиларни турмушнинг оғир енгилига қандай тарзда муносабатда бўлишга чорлаб келганлигига ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларидан бирида: "Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, огоҳ бўлинглар ва қабрларни зиёрат қилинглар, чунки зиёрат қилмоқ қалбларни юмшатади, кўзларни ёшлантиради, охиратни эслатади" [11], дейилган. Зеро, муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга ундаб келган. Уларда ўтказилган маросимларда миллий тарбия, одоб-ахлоқ тизими, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндошлик ришталари, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр, оқибат, ҳаллолик, адолат сингари инсоний қадриятлар улуғланган.

4. Хулосалар:

Аждодларимиз қолдирган маънавий меросдан оқилона фойдаланиб улардан ёшлар тарбиясида кенг кўламда фойдаланиш келажак авлодни етук бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар билан қуролланган миллат ёшлари ҳеч қачон ватан мустақиллигини, халқ эркини ёт қўлларга бериб қўймайди ва юрт равнақи йўлида фидокорона хизмат қилади.

Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ёшлар ҳам уни кўз қорачиғидай асраб-авайлашимиз ва келажак учун мерос қилиб қолдиришга хисса қўшмоғимиз даркор. Ҳалқимиз маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари бизлар учун фақат ўтмишдан қолиб келган ёдгорликкина эмас, балки маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Дарахт ўз илдизлари билан заминдан сув, озиқ-овқат олиб вояга етгандек, инсон ҳам авлод-аждодларидан қолиб келган

бебаҳо бойликлардан руҳий озиқ, куч-қувват олади, уларга таянади.

Бугунги ёшлар ҳаётимизнинг эртанги тақдири бўлиб, Ватан ва халқ келажаги улар қўлидадир. Жамият тараққиёти учун керак бўлган моддий бойликларни яратиш, инсоний муносабатларни, фазилатларни такомиллаштириш ва бошқалар учун ҳам маънавий асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, юқорида қайд қилинганидек Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида республикамызда улкан ислохотлар ва янгиликлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда зиёрат туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айниқса, сўнгги йилларда тарихий меросимизни асраб авайлаш, маданий мерос объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, жумладан зиёрат туризми соҳасини равнақ топтиришга, шу орқали аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, улар учун муносиб ҳаёт асосларини яратиш бериш борасида "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил" дастурининг қабул қилиниши ушбу масалаларга бугунги кунда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Бу эса ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш нуқтаи назаридан аждодларимизнинг тарихий анъаналарига ҳамда тажрибаларига таянган ҳолда иш олиб бориш заруратини туғдирмоқда. Мазкур омиллар жамиятимизда кечаётган жадал ислохотлар шароитида ўзбек халқининг анъанавий моддий ва маънавий маданияти дурдоналарини таълим муассасаларида назарий ва амалий ўрганишни тақозо этмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/References:

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 7, 2010 No 222 "On approval of the State Program for protection, preservation, promotion and use of intangible cultural heritage for 2010-2020")// www.lex.uz

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофазақилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасиданқўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 200-сонли фармойиши (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 21, 2014 No 200 "On additional measures to further improve the protection and use of material cultural and archaeological heritage")// www.lex.uz

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида" фармойиши (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 21, 2014 No 200 "On additional measures to further improve the protection and use of material cultural and archaeological heritage") // www.lex.uz

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли "Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида"қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 15, 2018 No

120 "On the effective organization of work on the improvement of sacred places, shrines, mosques and cemeteries") //www.lex.uz

[5] Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т.. 2018 февраль., "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т.. 2018 февраль (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to create favorable conditions for the development of tourism potential of the Republic of Uzbekistan." // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. Т .. February 2018, Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to ensure the accelerated development of domestic tourism." // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. -Т ., February 2018.).

[6] Обломуродов Н., Ибрагимов Э ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик. -Т., 2018 (Oblomurodov N., Ibragimov E and others. Theology. Textbook. -Т., 2018).

[7] Эралиев Б, Остонақулов И, Абдулахатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Фарғона вилояти. -Т.,2014. 4 б. (Eraliev B, Ostonakulov I, Abdulakhatov N. Pilgrimages and shrines of Uzbekistan. Fergana region. -Т., 2014. 4 b.)

[8] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. "Халқ сўзи". -Т., 2017 йил, 23 декабрь. (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. "People's word". -Т., December 23, 2017.)

[9] Амир Темур ўғитлари. Сўз боши ва нашрга тайёрловчи Б.Аҳмедов. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 35-бет. (The teachings of Amir Temur. Foreword and preparation by B.Akhmedov. -Tashkent: Uzbekistan, 2007. p.35.)

[10] Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангномаси. Сўз боши ва луғатлар бўйича нашрга тайёрловчи П.Равшанов. -Тошкент: Чўлпон, 1990. 52-бет. (Temurnoma. Battle of Amir Temur Koragon. Prepared for publication by preface and dictionaries P.Ravshanov. -Tashkent: Cholpon, 1990. 52 pages.)

[11] Ислом энциклопедия. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. 93-б. (Islamic encyclopedia. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House, 2004. 93 p.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№4 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000